

**Қувнақов Ҳ.Қ.,
Абдуллаева М.К.**

Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети

АГРАР ОЗИҚ-ОВҚАТ СЕКТОРИНИ ИНДИКАТИВ РЕЖАЛАШТИРИШ

ҚУВНАҚОВ Ҳ.Қ., АБДУЛЛАЕВА М.К. АГРАР ОЗИҚ-ОВҚАТ СЕКТОРИНИ ИНДИКАТИВ РЕЖАЛАШТИРИШ

Мазкур мақолада миллий иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишда индикатив режалаштиришнинг назарий-услубий асослари ва унинг зарурлиги, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни индикатив режалаштиришда иқтисодий-математик моделни ишлаб чиқариш масалалари ёритилган. Математик моделда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг индикатив режаларини ишлаб чиқиш технологиялари келтирилган.

Таянч иборалар: аҳоли турмуш даражаси, озиқ-овқат бозори, озиқ-овқат хавфсизлиги, индикатив режалаштириш, аграр сиёsat, озиқ-овқат маҳсулотларига талаб.

КУВНАҚОВ Ҳ.К., АБДУЛЛАЕВА М.К. ИНДИКАТИВНОЕ ПЛАНИРОВАНИЕ АГРАРНОГО ПРОДОВОЛЬСТВЕННОГО СЕКТОРА

В статье рассматриваются научно-методические основы индикативного планирование и её необходимость в регулировании национальной экономики со стороны государства. Приводится применение экономико-математических моделей для индикативного планирования продуктов питания населения. В математической модели дана технология индикативного планирования в развитии сельского хозяйства.

Ключевые слова: рынок продуктов, безопасность продуктов питания, индикативное планирование, аграрная политика, спрос на продукты питания.

KUVNAKOV H.Q., ABDULLAEVA M.K. INDICATIVE PLANNING OF THE AGRICULTURAL FOOD SECTOR

In the article is considered theoretical and methodical basis and necessity of indicative planning for national economy regulation by government. In the paper also provided economical-mathematical models to indicative planning of consumer goods. There were discussed technologies of mathematical models to indicative planning of agriculture.

Keywords: market of consumer goods, security of consumer goods, indicative planning, agriculture policy, demand to consumer goods.

Бозор иқтисодиётида кўрсатмали режалар ўрнини индикатив режалаштириши эгаллайди, индикатив режалаштириш бозор ва бозор механизмига қарама-қарши бўлмасдан, аксинча, ишлаб чиқаришнинг қулай йўлларини танлашда, ресурслар билан ўз вақтида таъминлашда, фойдаланилмаган заҳира ва имкониятларни қўллашга ҳамда рақобатдаги устунликлардан максимал даражада фойдаланишга ва турли хил таваккалчиликларни камайтиришига имкон беради. Бунда ишлаб чиқаришни ривожлантириши юзасидан қарорлар қабул қилиш масъулиятини хўжалик юритувчи субъектлар ҳукуқларини кенгайтирган ҳолда маҳаллий бошқарув органлари ўз зиммасига олади.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг улкан ресурслари ва уни экспорт қилиш имкониятиларига эга. Ҳозирги кунда дунёning озиқ-овқат бозорида доннинг ва бошқа истеъмол товарларининг нархи йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигига озиқ-овқат маҳсулотларини етиширишни кўпайтириш ва республика аҳолисини ушбу маҳсулотлар билан таъминлашни асосий вазифа сифатида қўяди.

Ўзага келаётган бундай шароитда Ўзбекистон ички истеъмол бозорини ўзимизда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор ва ишончли тарзда таъминлаш, уларни ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2008 йил 20 октябрдаги "Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиширишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4041-сонли фармони дол зарб аҳамиятга эга бўлди.

Республикамиз аҳолисининг ўсиб бораётган тўлов қобилияти билан мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳаллий озиқ-овқат товарлари ҳажми ўртасида ички бозорда мутаносибликни таъминлаш, бундай маҳсулотлар турини кенгайтириш, бозорларимизни улар билан ишончли тарзда тўлдириб бориш давлатимиз аграр озиқ-овқат сиёсатининг бош мақсадидир. Чунки мамлакат аҳолисининг турмуш фарвонлиги кўп жиҳатдан уларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланганлик дарајасига боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикасида аҳоли турмуш даражасини оширишда, биринчи нафбатда, аҳоли саломатлигига эътиборнинг катталигини кўришимиз мумкин. Чунки айнан озиқ-овқат истеъмоли одамлар ва халқлар саломатлигига бевосита таъсир қиласи. Қониқарсиз озиқланиш инсон саломатлигини емириб, жамият учун улкан иқтисодий чиқимларга олиб келади. Кўп тадқиқотлар шуни кўрсатадики, қониқарсиз озиқланиш кўп мамлакатларнинг иқтисодий тараққиётига тўсқинлик қилиб

келган. Озиқланиш ва иқтисодий ўсишга бағишиланган ФАО (Food and Agriculture Organization – БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти) тадқиқотлари шуни кўрсатадики, оқсил истеъмолининг бир фоизга кўтарилиши узоқ муддат давомида ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ)нинг 0,49 фоизга ошишига олиб келади. ЯИМнинг ҳар йили бир фоизга ортиши 72 йил давомида аҳоли даромадининг икки баравар ошиши, икки фоизга ўсиши эса 36 йилда икки баравар юксалишига олиб келади. Иқтисодий тараққиётда озиқланишнинг аҳамияти бебаҳодир¹.

Собиқ иттифоқ даврида давлатнинг марказлашган режалаштириш шароитида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишириш бўйича директив режалар асосий ролни ўйнади. Ўша даврда аҳоли даромадлари даражасининг ўта пастлиги сабабли унинг 80 фоиздан ортиғи кундалик истеъмол товарларини истеъмол қилишга, жумладан, 58,3 фоизи озиқ-овқат маҳсулотлари ва 31,5 фоизи ноозиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолига сарфланган.


Биз, ўз навбатида, ушбу ҳолатни диаграмма кўринишида ифодаласак бўлади 1-диаграмма).

1-диаграммадан кўриниб турибдики, аҳолининг истеъмол харажатлари таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари асосий ўринни эгаллагани ҳолда, хизматлар учун тўловларнинг улуши пастлигини кўришимиз мумкин. Аҳолининг норационал истеъмоли ногиронлик, аҳоли умрининг қисқариши каби салбий оқибатларга олиб келади. Шунинг учун ҳам республикамиз аҳолисининг умр кўриш давомийлиги собиқ иттифоқ даврида бошқа ҳамдўстлик давлатларига қараганда паст бўлган.

Юқоридаги ҳолат айнан мустақиллик йилларида ижобий тарафга ўзгариб, асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг импортига чек қўйилди.

Мустақиллик йилларида аграр соҳада босқичма-босқич амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар туфайли республикамизда

¹ Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлиги. / Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури маъруzasи. – Т., 2010. –5-б.

1-диаграмма. 1990 йилда Ўзбекистонда аҳоли истеъмол харажатларининг таркиби (фоиз ҳисобида)¹

озиқ-овқат хавфсизлигининг асосий таянчи бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, экин майдонлари таркибини оптималлаштириш, ишлаб чиқаришга янги ва илғор технологияларни жорий этиш, экин навлари ва чорва моллари зотини яхшилаш, уруғчилик-селекция ишларини тубдан яхшилаш борасида кенг қамровли, шу билан бирга, пухта ўйланган ишлар амалга оширилди. Натижада мамлакатимиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби ички имкониятлар ҳисобига қондирилди, энг асосийси, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга эришилди.

Ўзбекистон аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланганлик дараҷасининг ҳозирги ҳолатини таҳлил этсан: 1991 йилда аҳоли жон бошига ҳисоблагандা меъёрга нисбатан етиширилган маҳсулот ҳажми мевада 42,6% ни, узумда 93,8% ни, картошкада 29,8% ни ташкил этган бўлса, 2012 йилга келиб бу кўрсаткичлар мева-да 119,7% ни, узумда 156,3% ни, сабзавотда 229,2% ни, картошкада 135,4% ни ва полиз маҳсулотларида 245,1% ни ташкил этди. Шунингдек, асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини истеъмол қилиш миқдори

ҳам барқарор ўсиб бормоқда. Жумладан, 2012 йилда аҳоли жон бошига гўшт ишлаб чиқариш (сўйилган вазнда) 36,7 кг ни (талабга нисбатан 91,8% ни), сут 247,5 кг ни (талабга нисбатан 176,8% ни), тухум 131 донани (талабга нисбатан 108,4% ни) ташкил этди².

Бу ҳолат мустақиллик йилларида, айниқса, қишлоқ хўжалигида дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг кўпайиши билан ўзгарди. 2013 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2000 йилдагига нисбатан 2,3 баробар кўпайди. Фақат ўтган йилнинг ўзида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,8 фоизга, жумладан, дехқончилик 6,4 фоизга, чорвачилик 7,4 фоизга ўсди³.

Таҳлиллар шуни кўсатадики, тармоқнинг ЯИМдаги улуши 2000 йилдаги 30,1 фоиздан 2013 йилда 16,8 фоизга пасайди. Лекин ЯИМ

² Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнинг асосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишлиланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маъruzасини ўрганиши бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “Ўқитувчи”, 2013.

³ Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш иили бўлади. / Мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъзуза. // “Халқ сўзи”, 2014 йил 18 январь.

¹ Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Мустақиллик – барча эзгу режа ва марраларимизнинг мустаҳкам мезонидир” рисоласини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “Ўқитувчи”, 2013. –43-б.

таркибининг пасайиши аҳолининг озиқ-овқат билан таъминланганилигига салбий таъсир кўрсатгани йўқ. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда аҳоли томонидан истеъмол қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан берилган меъёрларга мувофиқ келади. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги бундай ижобий натижаларга, ўз навбатида, Ўзбекистонда инсоннинг яшаш шароитини яхшилаш ва аҳолининг турмуш даражасини оширишга бўлган эътибор туфайли эришилди.

Айни вақтда республикада сув ресурсларининг тақчиллиги шароитида озиқ-овқат маҳсулотлари етиширишни кўпайтиришни режалаштириш концепцияси ва озиқ-овқат саноатини бошқариш шакларини ўзгартириш заруратини келтириб чиқаради.

Бу вазифани амалга ошириш учун қишлоқ туманлари аграр секторида ислоҳотлар ва таркибий ўзаришларни чуқурлаштириш дастурларини амалга ошириш муҳим роль ўйнайди. Чунки у ерда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг бевосита ишлаб чиқарувчилари, тайёrlаш ва қайта ишловчи корхоналар, шунингдек, моддий техника ва сервис хизматлари кўрсатувчи ташкилотларнинг асосий қисми жойлашган.

Лекин табиий-иқтисодий шароитларнинг турлилиги, товар ишлаб чиқаришнинг тарқоқлиги, қайта ишловчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг монопол мавқеи туфайли зарар кўриб ишлаш ва даромадларнинг беқарорлиги, аграр секторга инвестиция киритишнинг муаммолиги, ҳудудларнинг иқтисодий, ижтимоий, экологик муаммоларини ҳал этиш зарурати агросаноат мажмуини (АСМ) ва айниқса, қишлоқ туманларини режалаштириш ва бошқаришга бўлган эҳтиёжни келтириб чиқаради.

Шундай қилиб, бозор муносабатларига ўтиш билан ишлаб чиқариш жараёнининг барча иштирокчилари ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг мураккаблашуви шароитида режалаштиришнинг роли янада муҳим аҳамият касб эта бошлайди. Бунда давлат билан хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларнинг хўжалик юри-

тишнинг янги шароитларга мос келадиган шакллар ва усувларини қўллаш лозим.

Бозор иқтисодиётида кўрсатмали режалар ўрнини индикатив режалаштириш эгаллади, бунда ишлаб чиқаришни ривожланишириш юзасидан қарорлар қабул қилиш масъулиятини хўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқларини кенгайтирган ҳолда маҳаллий бошқарув органлари ўз зиммасига олади.


Бозор иқтисодиётида индикатив режалаштириш ишлаб чиқаришни тартибга солиш унсури сифатида қишлоқ агросаноат мажмуининг ривожланишини прогноз қилишни, натурал ишлаб чиқарish балансларини ҳисоблаб чиқиши, бюджетни шакллантиришни ва унинг бутун инфратузилмасининг фаолият кўрсатишини назарда тутиши лозим.

Шу билан бирга, индикатив режалаштириш бозор ва бозор механизмига қарама-қарши бўлмасдан, аксинча, ишлаб чиқаришнинг қулай йўлларини танлашда, ресурслар билан ўз вақтида таъминлашда, фойдаланилмаган заҳира ва имкониятларни қўллашга ҳамда рақобатдаги устунликлардан максимал даражада фойдаланишга ва турли хил таваккалчиликларни камайтиришга имкон беради.

Индикатив режани ишлаб чиқаришда бозор талаблари ва рақобатчиликни эътиборга олиб, у қанчалик асослаб берилган бўлса, унинг ҳақиқийлиги ва иқтисодиётдаги аҳвол билан боғлиқлиги шунчалик юқори бўлади. Бу эса юзага келиши мумкин бўлган ижтимоий-иқтисодий ҳолатларни баҳолаш ва муқобил қарорларни танлашга имкон яратади.

Шунинг учун республикада пахта экиладиган майдонларни оптималлаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарish самардорлигига салбий таъсир кўрсатмаслиги лозим. Айни вақтда жаҳон озиқ-овқат бозори конъюнктураси ўзгарган ҳолатда озиқ-овқат хавфсизлиги масаласини республикада бозор механизмига мос келадиган индикатив режалаштиришни амалга ошириш орқали ҳал этиш мумкин.

Индикатив режалаштиришнинг директив режалаштиришдан фарқини англаш учун қишлоқ маъмурий туманини тадқиқ этиш асосида ётuvчи методологик тамо-

1-расм. Озиқ-овқат таъминоти матрицасининг таркиби¹

йил хўжалик фаолиятининг обьекти сифатида қуийдагиларни назарда тутади: ундағи барча қишлоқ хўжалиги корхоналари ва бошқарувчи бўғинлар ягона ўзаро боғлиқ мажмуя сифатида ишлайди. Бу шуни англатадики, ундағи аҳоли даромадлари тўловга қобил талабнинг асоси ҳисобланади, уларнинг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжлари қондирилиши жараёни барча иштирокчиларнинг молиявий фаолияти билан боғлиқ.

Бозор ва унинг механизмларини ушбу ҳолатда индикатив режалаштириш иккита даражада ташкил этилади; умуман туман ва алоҳида хўжалик юритувчи субъектлар бўйича товар маҳсулотларининг реал ҳажмини улар асосида ишлаб чиқариш салоҳиятига қараб, товар маҳсулотларининг реал чиқиши, аҳоли жон бошига товар ишлаб чиқариш ҳажми, ушбу кўрсаткичнинг табақаланиши даражаси аниқланади.

Шу муносабат билан маъмурий туманинг озиқ-овқат таъминотини тадқиқ этишда маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг истеъмолчигача бўлган барча жараёнларни мувофиқлаштиришни ўз ичига олувчи тизимли ёндашув қўлланилади. Хўжалик юритишнинг турли шаклларида, таъминотнинг кўплаб вариантларини таҳлил қилиш, хўжалик юритувчи ҳар бир субъектнинг ўрнини топиш, унинг ихтисослашуви ва бу-

юртмалар ҳажмини белгилаш талаб этилади. Ушбу саволларнинг барчасига иқтисодий-математик услубларни қўллаган ҳолда жавоб бериш мумкин.

Маъмурий туман агросаноат мажмуини ривожлантириш таркиби, тузилиши ва йўналишларини асослашнинг иқтисодий-математик модели чизиқли тенгламалар ёрдамида ишлаб чиқариш, тақсимлаш, алмашиш ва истеъмол қилиш жараёнини ёритувчи ўзгарувчилар тизимини ўзида мужассам этади. Иқтисодий математик модел (ИММ) ўзгарувчиларини деталлаштириш қуийдаги хусусиятларни акс эттириш зарурати ва тўлиқлик даражасига боғлиқ: туман аҳолиси; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб; ишлаб чиқариладиган маҳсулот ассортименти истеъмол қилинадиган ресурслар таркибини таснифлаш. Озиқ-овқат таъминоти нуқтаи назаридан ИММ матрицасининг таркиби 1-расмда кўрсатиган.

“Кишлоқ хўжалиги” блоки ўзгарувчилар ва чекловлар тўплами билан намоён этилган бўлиб, бу мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг имкониятларини англатади.

Товар ишлаб чиқарувчилар – бу қишлоқ хўжалиги корхоналари, деҳқон хўжаликлари ва фермер хўжаликлари.

Иккинчи “Аҳоли” блоки – ҳудудий белгиси (шаҳар, қишлок); ёши (болалар ва ўсмирлар, меҳнатга лаёқатли аҳоли, пенсionерлар);

¹ Муаллифлар томонидан тузилган.

касб-тармоқ ихтисослиги (қишлоқ хұжалиги, саноат, савдо, таълим ходимлари); даромадлар даражаси (паст, ўртача, юқори) бүйича таркибини тавсифловчи үзгарувчилар билан намоён этилган.

Учинчі "Талаб" блоки – маҳаллий аҳоли талабини қондириш учун озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни ҳамда давлат ва маҳаллий фондларга озиқ-овқат маҳсулотларининг мажбурий етказиб берилишини акс эттиради.

Таклиф этилаётган аҳоли таснифи бозор иқтисодиёти тамойилларига, айниқса, талаб ва таклифнинг мослигига асосланган. Агар директив режалаштириш шароитида талаб аҳолининг сони ва истеъмол меъёрларига қараб аниқланган бўлса, бозор тизимида у кўп омилли функцияси бўлган даромад даражасига кўра белгиланади.

Аҳоли гуруҳлари бўйича меҳнатга яроқли эрқакнинг минимал истеъмол бюджетининг қиймати бюджетларни табақалашнинг белгиланган коэффициентлари бўйича амалдаги нархларда қайта ҳисоблаб чиққан ҳолда, аҳолининг жинс-ёш гуруҳлари бўйича ҳисоблаб чиқиш варианти асос қилиб олинган. Озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни аниқлашда эса овқатланиш индексларини тузишнинг меъёрлаш усули ётади.

Туманда озиқ-овқат балансини режалаштиришда аҳолини маҳсулотлар билан таъминлашнинг бир неча усуллари кўриб чиқилади – овқатланиш учун физиологик меъёрийлик овқатланиш физиологик тансиқ истеъмол бюджетлари. Маҳсулотларга бўлган эҳтиёж маҳаллий товар ишлаб чиқарувчилар бозори ва етишмаётган маҳсулотларни четдан олиб келиш орқали қопланади. Ортиқча товарлар ва хомашё туман ҳудудидан ташқарида сотилади.

ИММнинг таклиф этилаётган таркибиға, бир томондан, хўжалик юритиш шакллари бўйича ишлаб чиқариш нисбатарини үрнатиш зарурати, иккинчи томондан эса аҳолининг реал даромадларини ҳисобга олган ҳолда унинг талабларига йўналтириш сабаб бўлди.

Туманда ишлаб чиқаришнинг умумий даражаси хўжалик юритиш шакллари бўйича агросаноат мажмуини ривожлантириш йўналишларини асослашнинг муҳим

мезони ҳисобланади. Бунга товар ишлаб чиқарувчиларни молиялаш ва кредитлаш имконияти доирасида ер, меҳнат ва моддий-техника ресурсларидан фойдаланишни таъминловчи тармоқларни оптималь ривожлантириш ва ўйғунлаштириш йўли билан эришилади.

Бундан келиб чиқиб, дастлаб тармоқ, сўнgra ҳудудий нисбатларни аниқлаш ва қишлоқ хўжалигининг ҳудудий нисбатларига яна бир бор аниқликлар киритиш лозим.

Ҳудудий-тармоқ нисбатларини ишлаб чиқиш учун қишлоқ хўжалиги ривожланишининг натижавий, асосий ва таъминловчи кўрсаткичлари қўлланилади. Натижавий кўрсаткичлар жумласига ҳосилдорлик, маҳсулдорлик, маҳсулотни ялпи ишлаб чиқариш киради. Асосий кўрсаткичлар сифатида тармоқ фойдаланиши мумкин бўлган энг тақчил ресурслар – ер ва молиявий ресурсларнинг абсолют чекланишини акс эттирувчи кўрсаткичлар иштирок этади. Таъминловчи кўрсаткичлар ўзаро боғлиқ тармоқлар ҳолатини акс эттиради, масалан, ўғитларни киритиш, чунки маҳсулот бирлигига асосий ресурс сарфи ва реал эришиладиган натижавий кўрсаткичлар уларга боғлиқ.

Шу муносабат билан моделда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг индикатив режаларини ишлаб чиқишнинг қўйидаги технологиясидан фойдаланилади: талаб бозоридан келиб чиқиб маҳсулот турлари бўйича ишлаб чиқариш ҳажми аниқланади. Шундан сўнг ҳайвонлар маҳсулдорлиги ва қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги кўрсаткичлари ва уларга мос келувчи озуқа ва моддий-техника ресурслари сарфининг нормалари ажратилади. Мумкин бўлган ҳосилдорлик ва маҳсулдорликка мувофиқ ҳар бир турдаги ҳайвоннинг сони ва экин майдонларининг таркиби прогноз қилинади ва моддий-техника ресурсларига бўлган эҳтиёж шаклланади.

Қишлоқ хўжалиги тармоқлари ривожланишини режалаштириш варианtlари хўжалик юритишнинг объектив шароитларини акс эттириб, улар асосида табиий шароитлар ва аграр озиқ-овқат саноатининг юзага келган ихтисослашувини имкон қадар ҳисобга олиш ётади. Бу туман аҳолисининг талабидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги

маҳсулотларини максимал даражада ишлаб чиқаришга эришиш учун умумий ресурс салоҳиятидан комплекс тарзда фойдаланишга эришиш имконини беради.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, бозор иқтисодиёти шароитида режалаштиришнинг усулларидан бўлган меъёр усулига катта эътибор қаратиш керак. Чунки бу усулда ресурсларни сарфлашнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган энг юқори ва энг қўйи чегаралари аниқланади.

Бизнингча, Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва аграр ишлаб чиқаришни модернизация қилиш орқали тармоқни истиқболли

ривожлантириш учун аҳоли эҳтиёжлари учун озиқ-овқат маҳсулотлари, хусусан, чорва ва мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи, сақловчи ва қайта ишлашга ихтисослашган кичик хусусий корхоналарни замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш, хом ашёни қайта ишлаш қувватларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни модернизация қилиш, ҳўл мева-сабзавот ва тайёр маҳсулот экспорт қилувчи субъектлар учун давлат томонидан иқтисодий қўллаб-қувватлашнинг бозор муносабатларига мос имтиёзлар тизимини ишлаб чиқиш лозим.

Адабиётлар:

1. И.А.Каримов. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. / Мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. // "Халқ сўзи", 2014 йил 18 январь.
2. Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлиги. / Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури маъруzasи. – Т., 2010. –73-6.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Мустақиллик – барча эзгу режа ва мэрраларимизнинг мустаҳкам мезонидир" рисоласини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: "Ўқитувчи", 2013. –43-6.
4. Беркинов Б.Б., Ярмолик Е.А., Қувноқов Ҳ.Қ. Индикатив режалаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2011. –197-6.